O”zbekiston Respublikasi
BUXORO VILOYATI
H O K I M I
Q A R O R I

Ўзбекистон Республикаси
БУХОРО ВИЛОЯТИ
ҲОКИМИ
ҚАРОРИ

2020 йил 11 февраль Бухоро шаҳри №66

Вилоятда давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг 2020 йил учун энг кам миқдордаги ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 15-сон, 186-модда; 2010 й., 52-сон, 513-модда; 2011 й., 48-сон, 494-модда; 2013 й., 37-сон, 485-модда; 2014 й., 11-сон, 123-модда, 21-сон, 246-модда, 30-сон, 372-модда; 2015 й., 1-сон, 10-модда; 2017 й., 19-сон, 345-модда; 25-сон, 537-модда, 25-сон, 543-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2018 й., 09/18/209/0936-сон, 22.10.2018 й., 09/18/840/2079-сон, 01.04.2019 й., 09/19/265/2858-сон, 20.06.2019 й., 09/19/498/3310-сон, 30.09.2019 й., 09/19/822/3840-сон, 19.10.2019 й., 09/19/881/3936-сон) ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1752/03-13-сонли хатига асосан вилоятда 2020 йил учун давлат мулки ижара ҳақининг энг кам ставкаларини белгилаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 30 декабрдаги 1752/03-13-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бухоро ва Когон шаҳарлари ҳамда туманларда давлат кўчмас мулкидан 2020 йилда фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага;

ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда ҳамда иншоотларда ижарада жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг “ноль” ставкаси қўлланиши белгилаб қўйилсин.

4. Вилоят “Давлат мулкини ижарага бериш маркази” давлат унитар корхонаси (М.Бурхонов) давлат мулкини ижарага бериш тўғрисидаги шартномаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги “Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сонли қарори билан

тасдиқланган Низом талаблари асосида расмийлаштириб, ижарага берилган давлат мулки тўғрисидаги маълумотларни тегишли равишда вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этиб борсин.

5. Вилоят ҳокимининг 2019 йил 22 январдаги “Вилоятда давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг 2019 йил учун энг кам миқдордаги ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 24-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг buxoro.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Асадов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ў.Барноев**

Бухоро вилояти ҳокимининг 2020 йил
11 февралдаги 66-сонли қарорига
1-илова

Бухоро ва Когон шаҳар ҳамда туманларда 2020 йилда давлат мулки бўлган бино ва иншоотлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳақининг бир кв. метр учун энг кам миқдордаги ставкалари

Т/р	Ижарага бериладиган майдонларнинг фойдаланиш мақсади	2020 йил учун йиллик минимал ставка 1 кв.м/сўм	2020 йил учун йиллик минимал ставка 1 кв.м/сўм
		Бухоро шаҳар	Когон шаҳар ва туманлар
Саноат			
1	Ёқилғи саноати	7 560	6 125
2	Кимё саноати	7 560	6 125
3	Нефт-кимё саноати	7 560	6 125
4	Машинасозлик	7 560	6 125
5	Дастгоҳсозлик ва асбобсозлик саноати	7 560	6 125
6	Ҳисоблаш техника воситалари саноати	7 560	6 125
7	Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	6 210	5 000
8	Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги	6 210	5 000
9	Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший анжомлар ишлаб чиқариш	6 210	5 000
10	Санитар-техник, газ ускуналари ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш	7 560	6 125
11	Металл конструкцияли махсулотлар саноати	7 560	6 125
12	Машина ва жиҳозларни таъмирлаш	7 560	6 125
13	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	7 560	6 125
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати			
14	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати	7 560	6 125
15	Ёғочни қайта ишлаш саноати	7 560	6 125
16	Целлюлоза-қоғоз саноати	7 560	6 125
17	Ёғочдан эшик, дерезалар ва мебель ишлаб чиқариш	22 680	18 500
18	Қурилиш материаллари саноати	7 560	6 125
Енгил саноат			
19	Тўқимачилик саноати	7 560	6 125
20	Тикувчилик саноати	7 560	6 125
21	Чарм, мўйна ва пойафзал саноати	7 560	6 125
22	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш соҳалари	7 560	6 125
Озиқ –овқат саноати			
23	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут саноатидан ташқари)	7 560	6 125

24	Гўшт ва сут саноати	7 560	6 125
25	Балиқчилик саноати	7 560	6 125
26	Тегирмон-ёрма саноати	7 560	6 125
27	Омухта ем саноати	6 210	5 000
28	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	7 560	6 125
Саноатнинг бошқа тармоқлари			
29	Тиббиёт саноати	7 560	6 125
30	Нашриёт саноати	21 195	17 375
31	Кийим-кечак ва газламадан тайёрланган бошқа буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва уларга ишлов бериш	9 180	7 375
32	Саноатни хўжалик бошқаруви	21 195	17 375
Қишлоқ хўжалик			
33	Ўсимликшунослик (шу жумладан иссиқхона хўжалиги) 1 га	3 023 460	2 469 000
34	Чорвачилик ва паррандачилик	3 645	3 000
35	Балиқчилик (шу жумладан балиқ етиштириш) 1 га	3 023 460	2 469 000
36	Асаларичилик 1 га	1 965 600	1 605 000
37	Ветеринария хизматлари	7 560	6 125
38	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	7 560	6 125
39	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 га	3 023 460	2 469 000
Транспорт ва алоқа			
40	Умумфойдаланишдаги ерусти темирйўл транспорти	7 560	6 125
41	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автотураргоҳ, гаражлар)	7 560	6 125
42	Транспорт инфра тузилмаси (жарима майдончалари)	1 890	1 625
43	Автомобилларни ювиш жойлари	24 300	17 500
44	Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси	24 300	22 500
45	Аҳоли буюртмаси бўйича юкларни ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизмати	13 635	11 250
46	Почта алоқа тармоқлари	7 560	6 125
47	Курьерлик (чопар) хизмати	15 120	12 250
48	Электр тармоқ алоқаси	15 120	12 250
49	Радио, уяли ва пейджир алоқаси (шу жумладан ўрнатилган мослама-тортқич қозиқларининг умумий периметрлари ва технологик қурилмалари ҳудудини қўшиб ҳисоблаганда)	63 585	51 875
Қурилиш			
50	Қурилиш	7 560	6 125
51	Лойиҳа, лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари	7 560	6 125
52	Пластик эшик ва дерезалар ишлаб чиқариш	37 950	29 160
Савдо ва умумий овқатланиш			
53	Улгуржи савдо	21 195	17 375
54	Улгуржи маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) фаолиятини амалга оширувчи улгуржи бозорлар	54 405	44 375
55	Чакана савдо	21 195	17 375
56	Умумий овқатланиш	21 195	17 375
57	Ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	33 210	25 000
58	Китоб дўконлари	2 970	2 500
59	Маданий-маиший ва хўжалик буюмларини ижарага бериш	21 195	17 375
60	Халқ истеъмол молларини олиш ва сотишда воситачилик хизмати	33 210	27 125
61	Моддий техника таъминоти ва етказиб бериш (сбыт)	21 195	17 375

62	Ахборот-ҳисоблаш хизмати	21 195	17 375
63	Интернет ва компьютер тармоғи бўйича хизмат кўрсатиш	21 195	17 375
64	Кўчмас мулклар билан муомала қилиш	21 195	17 375
65	Реклама, кўргазмалар хизмати	21 195	17 375
66	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатхоналар	21 195	17 375
67	Геология, ер ости бойликларини қидириш, геодезия ва гидрометерология хизмати	37 800	30 750
68	Таҳририят ва нашриёт	12 150	9 875
69	Металл чиқиндилари ва чиқинди хом ашёларни йиғувчи тайёрлов идоралари	12 150	9 875
70	Уй-жой коммунал хўжаликлари (уй-жой мулкдорлари ширкати)	12 150	9 875
71	Меҳмонхоналар хўжалиги	24 165	19 750
72	Ётоқхона	18 900	15 000
73	Аҳолига ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган маиший хизматлар	12 150	9 875
74	Сартарошхоналар, фотосалонлар, модалар ателъеси, пойафзал таъмирлаш	18 225	15 000
75	Ломбардлар	27 405	22 375
76	Ҳаммомлар	36 450	29 750
77	Сауна ва сув ҳавзалари	72 630	59 375
	Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминоти		
78	Соғлиқни сақлаш	15 120	12 250
79	Дам олиш ва туризм	15 120	12 250
80	Фитобар	10 530	8 500
81	Маданий ҳордиқ чиқариш марказлари (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	24 165	19 750
82	Жисмоний тарбия ва спорт	7 560	6 125
83	Дорихона муассасалари	12 150	9 875
84	Дорихона муассасалари, оптика ва тиббиёт ускуналарини сотиш дўконлари	21 735	15 660
85	Ижтимоий дорихона муассасалари	9 200	7 992
	Таълим		
86	Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлаш (шу жумладан ўқув курслари)	12 150	9 875
87	Ишчиларни ва бошқа ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	9 450	8 125
88	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат умумтаълим муассасалари учун)	6 210	5 000
89	Таълим муассасаларида умумий овқатланишни ташкил этиш	7 560	6 125
90	Мактабгача тарбия (нодавлат умумтаълим муассасалари учун)	5 400	4 625
91	Маданият ва санъат	21 195	17 375
92	Кўргазмалар	16 335	14 000
93	Мактабдан ташқари тарбия	6 210	5 000
94	Маданият ва истироҳат боғлари	15 120	12 250
95	Ҳайвонот ва ботаник боғлари	15 120	12 250
96	Телевидения ва радиоэшиттириш таҳририятлари	15 120	12 250

97	Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари	24 165	19 750
98	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	9 180	7 375
99	Хайдовчиларни тайёрлаш мактаби	13 500	8 750
Молия-кредит фаолияти			
100	Молия, кредит (суғурта ва аудиторлик фаолиятдан ташқари), нафақа таъминоти	21 195	17 375
101	Аудиторлик фаолияти	21 195	16 250
102	Банк фаолияти	21 195	17 375
Фаолиятнинг бошқа турлари			
103	Суғурта	21 195	17 375
104	Суд ва юридик хизматлар	18 225	15 000
105	Адвокатларнинг ҳайъати ва юридик маслаҳатхоналар	18 225	15 000
106	Жамоатчилик бирлашмалари	6 210	4 875
107	Омборхоналар	21 195	17 375
108	Давлат корхона ва ташкилотлари учун офис	9 180	7 375
109	Хусусий корхоналар учун офис	33 210	27 125
110	Архивлаштириш хизмати	9 180	6 250
111	Енгил ва бошқа транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан, камера ямаш)	24 165	19 750
112	Лабораториялар	15 12	12 250
113	Ҳар хил турдаги тўлов хизматлари (пайнет)	60 750	49 500
114	Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида савдо	33 210	27 125
115	Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида умумий овқатланиш	29 025	23 750
116	Авиа кассалар (шу жумладан темирйўл, транспорт ва бошқалар)	33 210	27 125
117	Банкоматлар	302 940	247 375
118	Нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаш	18 055	15 012

Изоҳ:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 ноябрдаги 02/1-74-сонли топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги савдо бошқармаси бўлинма тизимлари, ҳарбий қисм ва муассасалари, ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар ҳудудларида кўчмас давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўлови “нол” ставкаси қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 834-сонли қарорига кўра, фойдаланилмаётган, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг шаҳар ҳамда туман кенгашларининг мурожаатига кўра 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара ҳақининг “нол” ставкаси бўйича ижарага берилади.

Вилоят ҳокимлиги аппарати
котибияти мудири **О.Қазоқов**

Бухоро вилояти ҳокимининг 2020 йил
11 февралдаги 66-сонли қарорига
2-илова

Бино ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқишда қўлланадиган ҳудуд зоналари бўйича коэффициентлар

Ҳудудий зоналар коэффициенти (Кз):

т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Зоналар	Ҳудудий зоналар коэффициентлари
1	Бухоро шаҳри	1	3
2	Когон шаҳри	2	2,5
3	Бухоро тумани	3	2
4	Вобкент тумани	3	2
5	Жондор тумани	3	2
6	Когон тумани	3	2
7	Олот тумани	3	2
8	Пешкў тумани	3	2
9	Ромитан тумани	3	2
10	Шофиркон тумани	3	2
11	Қоракўл тумани	3	2
12	Қоровулбозор тумани	3	2
13	Ғиждувон тумани	2	2,5

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуйидаги тарзда аниқланади:

Тс=Эс*Кз*(Кқ+Кҳ+Ко), бунда коэффициентлар:

Бинонинг қурилиш тури бўйича коэффициент - (Кқ):
алоҳида турган бино – 1,5
қўшимча қурилган бино – 1,0
бинонинг юқори қисми, чердак, болохона – 0,7
ярим ертўла, ертўла – 0,5

Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти – (Кҳ):
ер майдони мавжуд бўлганда – 0,7
дахлиз(коридор) мавжуд бўлганда – 0,2

Тижорат мақсадларида фойдаланишда қулайлик коэффициенти – (Ко): (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишда жойлашиш ва бошқалар):
асосий қатнов йўлларида жойлашгани – 0,5
иккинчи даражали транспорт қатнови йўлларига чиқиш жойи – 0,4

Вилоят ҳокимлиги аппарати
котибияти мудири **О.Қазоқов**